

2000 ЙИЛ - СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ

Da'vat

Халқ қонунни ўз таянчи, ўзини муҳофаза қилувчи девор сифатида ҳимоя этмоғи лозим.

ГЕРАКЛИТ



МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 1999 йил 8 декабрь, чоршанба Баҳоси соғувда эркин нарҳда № 97 (7190)

Kuch - bilim va tafakkurda

Ma'rifat

Ibrat

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ мамлакатимизда ногиронлар давлат васийлигидадир. Биргина Тошкент шаҳрида Фаолит курсатаётган турли Муравват уйлари сарф-харажатлари учун бу йил шаҳар бюджетидан 146001886 сўмлик маблағ ажратилганлигини ўзиёқ бу борада салмоқли ишлар қилинаётганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг дастури



Биз XXI аср бўсағасида — янги буюқ ўзгаришлар, жамиятимизнинг янгиланиши ва кудратли тараққиёти бўсағасида турибмиз. Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ислохотлардан асосий мақсад юртимизнинг янада ривожланиши, халқимизнинг фаровонлиги, жаҳон ҳамжамиятидан ўзимизга муносиб ўрин эгаллаштириш.

Бу стратегик ва дастурий вазифалардан келиб чиққан ҳолда биз мамлакатимизнинг ички ва ташқи аҳолини танқидий кўз билан чуқур таҳлил қилиб, ўз сиёсий, иқтисодий ва маънавий тараққиётининг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олишимиз зарур. Бу устувор вазифалар нималардан иборат?

Биринчи устувор вазифамиз — иқтисодиётимизнинг изчил ўсиши ва самардорлигини ошириш, демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириш асосида халқ турмуш даражасининг барқарор ва узлуксиз яхшиланиб боришини таъминлаш зарур. Бу борада кам таъминланган, муҳтож оилалар ва одамларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шу мақсадда яқин беш йил давомида:

- иш ҳақининг энг кам миқдорини 3,5 баробар ошириш. Шу билан бирга аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромаднинг 1,8–2,0 баробар кўпайтириш;

- миллий пулимизнинг кадрлар таъинлашига қарши қатъий чораларни кўриш ва шулар ҳисобидан одамларнинг реал (амалдаги) даромадини мунтазам ошириш;

- давлат томонидан аҳолини иқтисодий қўллаб-қувватлаш ҳақида ва миқдорини кўпайтириш билан бир вақтда ҳақиқатда ёрдамга муҳтож бўлган оилаларга эътиборни кучайтириш;

- бундай эзгу мақсадларни амалга оширишда ва ажратилган маблағларнинг самарасини оширишда маҳалла жамоатчилигига кенг миқёсда суяниш;

- ногиронларни тўлақонли фаол ҳаётга қайтариш, шунингдек, ногирон болаларни тиббий-ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2005 йилгача бўлган давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- иқтисод ва ортиқча ишни қўлларини биринчи навбатда қишлоқ жойларда банд қилиш мақсадида меҳнат бозорини шакллантириш, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида янги иш ўринларини яратиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Бу ишга чет эл сармоялари ва ички имкониятларни кенг жалб этиш;

- ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аввало, қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш давлат дастурининг бажарилишини аққунга етказиш, 2005 йилга қадар ичимлик сув билан таъминлаш миқ-

дорини 85 фоизга, табиий газ билан таъминлашни эса 82 фоизга етказиш;

- соқликни сақлаш ва экологик ҳавфсизлик соҳаларида қабул қилинган дастурий ҳаётга жорий этиш масалаларини қаттиқ назоратта олиш.

Биз бу ўта муҳим ва улкан вазифаларни амалга ошириш учун, авваламбор, ислохотларимизнинг иккинчи асосий устувор йўналиши бўлиши сиёсий ва иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратган тақдирдагина муваффақиятли ҳал этишимиз мумкин.

Сиёсий соҳани эркинлаштириш борасида: авваломбор, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши қучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган қучли механизмларни шакллантириш зарур.

Демократиянинг энг муҳим тамойили — одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўзга чиқариш ва муҳофаза қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиш бериш, инсон ҳуқуқлари ва матбуот эркинлигини ҳимоялаш лозим.

Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш масаласи ҳам катта аҳамият касб этади. Бу борадаги асосий вазифалар — ҳокимият асосий тармақларининг бир-бирдан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустақамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этиш.

Шу мақсадда жамиятимизнинг маънавий-маърифий юқалишига муносиб ҳисса қўшаётган ташкилот ва муассасаларда хизмат қилаётган инсонларни, аввало, мактаб, лицей, коллежлар, олий ўқув юр்தларининг ўқитувчи ва доимий ишлайган илмий ходимларни қўллаб-қувватлаш, уларга керакли моддий шароит тўғрида бериш кўзда тутилади.

Тўртинчи устувор йўналиш — кадрлар масаласи. Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммоларни ечиш зарурлиги туғилмасин, гап охири-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкин, бизнинг келажакимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ. Ўсиб келаётган навқирон авлод, азиз фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг қувончимиз, таянчимиз ва суяғимиз, деган широри амалда рўзга чиқаришни таъминлашимиз даркор.

Бешинчи устувор йўналиш — бу иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаштириш.

Маққур ўзгаришлар корхоналарни янгилаш ва техник қайта жиҳозлашга, мамлакатнинг бой табиий ва минерал-хوماшё салоҳиятидан тўла ва самарали фойдаланишга, экспортга мослашган ва импорт ўрнини босувчи махсуслотлар ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этишга қаратилмоғи даркор.

Олтинчи устувор йўналиш — жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқароларга тотувилик, сарҳадларимизнинг дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат.

Шу муносабат билан мен Ўзбекистон бошқа давлатларнинг ички ишларига арашласлик, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли асосда шерикчилик қилиш, барча мижоз ва муаммоларни фақат тинч сиёсий ва ҳуқуқий воситалар билан ҳал этиш тарафдори эканини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Биз янги аср бўсағасида, янги буюқ ишлар олдига турибмиз. Сиз билан бизнинг вазифамиз давр олдимизга қўётган барча талабларга муносиб жавоб қайтаришдир. Истиқболимизни аниқ ва равшан тасаввур этиб, халқимизга тинч ва фаровон турмушни таъминлашдир, жаҳон миёдолида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаб олишдир.

Мен ушун Ватан озодлиги, халқимизнинг омонлиги, юртимнинг раванки, мана шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир оиланинг фаровонлигидан бошқа олий сарват йўқ.

Шу олижаноб, мард ва меҳнатқам, бағрикенг халқимизнинг бугун ва ёрғ келажаги йўлида садақат билан хизмат қилиш — ҳаётимнинг маъносини, умримнинг мазмунидир.

(Дастурнинг тўлиқ матни Ислон Каримовнинг "Ўзбекистон XXI асрга интилоқда" рисоласида баён этилган).

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдулҳафиз Мараҳимович Жалоловнинг дастури



ланиши муҳитини вужудга келтириш;

- юқоридагиларнинг ҳаммасини жамиятдаги ижтимоий ва миллатларо бирдамликни мустаҳкамлашнинг жиддий омилларига айлантириш;

- ижтимоий муносабатларни инсоний негизларда ривожланишини қонуний-ҳуқуқий пойдеворини мутасил яратиш ҳамда ривожлантириб бориш ва х.к.

Маънавий соҳада — жамиятни миллий яхлитлик ва халқнинг ижтимоий муштараклигини инсон шахси баркамоллигига эриштириш мақоли, востасига айлантириш;

- жамиятда миллий, шарқона ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига ҳамда уларга рия қилинишига эришиш;

- ислом дини ва бошқа динларнинг тарбиявий аҳамиятини эътибор этган ҳолда, улардан фарзли мақсадларда фойдаланишига йўл қўймаслик;

- тарихга, миллий-маданый, маънавий меросга ҳурмат руҳини қарор топтириш;

- илм-фан, таълим ва маърифатнинг, шунингдек, маққур соҳаларда меҳнат қилувчи олим, мураббий ва тарғибчиликнинг ижтимоий мавқенин бекиёш кўтариш;

- барча фуқароларни умумжаҳон, Шарқ халқлари ва миллий маданият дурдоналари, ютуқларидан баҳраманд қилиш имкониятларини муҳайё этиш;

- маънавият, ақл-заковат ва билимликнинг ҳаққон ҳолатида раҳнамо бўлишига ҳамда ҳар бир кишининг бундай фазилатлар соҳиб эканлигидан шахсан манфаатдорлик муҳитини вужудга келтириш ва х.к.

- Ташқи сиёсат ва миллий ҳавфсизлик ҳамда мудофаса соҳасида

- Ўзбекистоннинг барча узок ва кич, хусусан, Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар билан миллий манфаатларимизга мос, ўзаро фойдали ҳамкорлигини янада ривожлантириш;

- минтақа ва жаҳонда тинчлик ҳамда барқарорлик учун зарур сайё-харакатларни доимий равишда амалга ошириш;

- мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги ва халқнинг оқсоқлигини асраб-авайлашга, уларга зиён етказишга йўл қўймайдиган даражадаги, маққур тайёргарлик ҳамда замонавий ҳарбий техника, аслаҳага эга Қуролли Қучлар, Миллий ҳавфсизлик ва ички хизмат тизимларининг узлуксиз шайлиги ва ҳоказо.

- Юқоридагилар, уларнинг амалий ижроси, асосан, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини, бутун халқимизнинг фаровонлигига, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига, унинг азалий шон-шухратининг қайта тикланишига ва Ўзбекистоннинг буюқ келажини яқинлаштиришга хизмат қилади, деб ишонамиз.

Иқтисодий соҳада — иқтисодий эркинликнинг шахс, инсон ҳурлиги барча шакл-шамойилларнинг дастлабки, тўб, хал қилувчи асоси бўлишиги;

- ҳар бир фуқаронинг мулк, унинг шаклидан қатъи назар, соҳиб бўлиш ҳуқуқини рўзга чиқиш имкониятининг воқелиги;

- қўлланган ҳамма ижтимоий-фойдали ниятларга етишиш, вазифаларни урдалашда булардан ҳар бир кишининг шахсий манфаатдорлигининг ҳисобга олиниши;

- ишлаб чиқарувчиларнинг ўз фаолият тури, унинг натижасида етиштирилган маҳсулотини сотиш бўйича наҳсавони мустақил белгилаш ва ундан келган даромадни, фойдани, ўз хоҳишига қўра тасарруф этиш эркинлиги;

- кичик ва ўрта бизнесни кенг миқёсда ривож топтириш;

- товарлар ва капиталнинг мамлакат ичида эркин ҳаракат қилиши ҳамда ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги (амалдаги қўнунларда кўзда тутилган чеклашлар бундан мустасно);

- иқтисодий ҳаётга оид ишончли ахборий оидат тизимини жорий қилиш;

- соқик сиёсатини ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантирувчи омилга айлантириш;

- давлат ҳокимияти, бошқаруви ва мансабдор шахсларнинг ишлаб чиқарувчилар ҳўжалик фаолиятига гайриқонуний аралашувига йўл қўймайлик;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви барча даражалардаги идораларининг, бозор муносабатларини инсоний, ижтимоий йўналиш узадиларида ривож топши муаммоларини яратишдаги аҳамиятини ошириш чораларини қўриш;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, унинг барча амалдаги қўнунларига соқдиклик, уларнинг изчил амалга оширилиши ва мамлакат фуқаролари ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг рўзга чиқиши йўлида сидқидилдан хизмат қилиш.

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатда демократияни — қучли фуқаролик жамияти ва унга монанд давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви тизимини изчил қарор топтириш, шунингдек, Ватанимизнинг илғор жаҳон ҳамжамияти давлатлари ўртасида муносиб ўрин эгаллаш манфаатларидан келиб чиқиб, қўйдагиларнинг бажарилишини, биринчи галдаги вазифалар сифатида, амалда таъминлаш:

Сиёсий соҳада — давлат ҳокимиятини халқнинг бевосита ва унинг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари тисолида, билвосита назорати остида бўлиши;

- давлат ҳокимияти вакиллик идораларини, асосан, халқ томонидан, сиёсий партиялардан, сайлаб қўйилган депутатлар таркибидан иборат тарзда шакллантириш;

- сиёсий партиялар жамиятдаги мавқенин, уларнинг намоёндалари томонидан давлат ҳокимияти вакиллик идораларида, сайловлар натижасида, эгалланган ўринларидан келиб чиқиб, фуқароликлик;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини қонунийлик, партиявий масъулият, назорат ҳамда қафолат асосида қўриш;

- давлат ҳокимиятининг урта — қонунчилик-вакиллик, ихроия, суд тармоғи ва уларнинг марказий, минтақавий ҳамда маҳаллий идораларининг ўзларининг конституциявий ваколатларини мустақил амалга оширишлари;

- фуқаролар ўзини ўзи бошқариш идораларининг, ўзларининг қўнунларда белгилаган ваколатларини бажаришдаги, чинакам, жумладан, молиявий-иқтисодий мустақиллиги;

- оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини янада қучайтириш, пировад натижада, уларнинг масъулиятини фақат қўнунлар диораси билан чекланган бўлишиги;

- энг оддий фуқаронинг овози жамиятда баралла эшитилиши, унинг катта сиёсатга таъсир эта билиш имкониятларининг мавжудлиги;

- барча давлат идоралари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан қўнунларга сузисиз итоат этишининг, бундан ҳеч ҳам бўйин товлай олмасликларининг жиддий (етакчи, идора этувчи ва муқолиф сиёсий партиялар фаолиятини тақозо этувчи) мурватларини яратиш;

- жамоат ташкилотлари барча қўришни ва шакллари, ҳуқуқ ва оқсоқлик ташкилий шаклида, жамият ва давлатни бошқаришдаги фаол иштироки;

- қўнуннаётган барча олижаноб маққадларга эришишнинг қонуний-ҳуқуқий негизларини яратиш, уларни мунтазам тақомиллаштириш ва

ВАТАН МУҚОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ватанимиз мустақиллигининг 8 йиллиги байрами арафасида эл-юрт олдидан улкан хизматлари, ислохотларни чуқурлаштиришдаги, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки, истиқлол гошларини рўзга чиқаришдаги хиссаси, фан, маданият, таълим, иқтисодиётни ривожлантириш йўлидаги қўнунлар учун ҳамюртларимиздан катта бир гуруҳи мамлакатимизнинг қокос орден ва медаллари, фахрий унвонлари билан тақдирланган эди. Бу муқофотларни мустақил Ватанимиз тарихидаги яна бир улғу сана — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни арафасида топшириш ҳам хайрли ангаёнага айланган.

7 декабрь кўни Оқсарой қароргоҳида маққур муқофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Президент Ислон Каримов нуққ сузлади.

— Ҳаётда эзгу маққадларимизнинг самарасини қўриш, эзу юрт манфаати йўлида қилинган улкан меҳнатга муносиб баҳо бериш, одамларнинг рўқини кўтариш — бағоят хайрли ишдир, — деди йўлбошчи-

миз. — Ватанимиз раванки, халқимизнинг бахт-саодати учун фидойилик намуналарини кўрсатаётган юр்தдошларимизни тақдирлаш — менинг зиммамга юклатилган қўнун-қўнун вазифалар орасида энг қувончлисидир. Бундай маросимлар ўзимнинг ҳам руҳимни кўтариб, қалбимга хурсандчилик бахш этади.

Давлатимиз раҳбари ҳар йили Конституциямиз байрами арафасида халқимизнинг турли соҳаларда ибрат қўрсатган вакилларига Ватан муқофотларини топшириш янги бир ангаёнага айланганини, мингларча ватандошларимизнинг юқсоқ унвонларга, орден ва медалларга сазовор бўлишга қилаётган ишларимизнинг, олдимизга қўйган улғу маққад ва қўзлаган марраларимиз сари шахд боратганимизнинг яна бир тасдиғи эканлигини таъкидлади.

Мен шу уринда ҳақиқат ва адолат туртисида, уни ҳаётда қарор топтириш ҳақида икки оғиз айтиб ўтмоқчиман, деди Президент.

(Давоми 2-бетда).

СОҒЛОМ АВЛОД — ХАЛҚИМИЗ КЕЛАЖАГИ

8 декабрь — мамлакатимиз Асосий Қўнунини — Конституция қабул қилинган кўн ҳар йили умумжаҳд байрами сифатида кенг нишонланади. Халқимизнинг эълози байрами бу йил қўнунда ҳаётдаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа — Олий Мажлис ва маҳаллий кенашларга сайловлар қўнунлиқлик билан ўнган вақтга тўғри келди. Фуқароларимиз Конституцияда белгилаб берилган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиб, катта умид ва ишонч билан эркин келажакни қўзлаб, ўзлари муносиб деб топган номзодларга овоз бериш.

8 декабрь кўни Тошкентда "Туркистон" саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 8 йиллигига бағишланган тантанали йиллигиш бўлиб ўтди. Бу ерга Тошкент шаҳар жамоатчилиги фаолияти, пойтахтнинг меҳмонлари, ҳоржий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари йиллиги.

Тантанали йиллигини Тошкент шаҳар ҳокими К.Туғанов очди.

Республика Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А.Сайлов Ўзбекистон Конституциясининг халқимиз ҳаётидаги аҳамияти ва дунё миқёсида тутган ўрни

ҳақида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов йиллигида нуққ сузлади.

Давлатимиз раҳбари жамиятимизда қандай ютуқ ва марраларга эришяётган бўлсақ, бундангиз замирида Конституциямиз — буюқ Ҳаёт қомусимиз турганилигини алоҳида таъкидлади.

— Конституциямизнинг халқаро, демократик андоза ва талабларга жавоб бериши, унинг олдига конституциялардан мўтлақо фарқ қилиш ҳақида суз борар экан, биз аввало унда инсон ҳуқуқи, уни ҳимоялашга қаратилган барча қарорлар алоҳида ўрин тутганини, асосий Қомусимиз инсон манфаатини давлат манфаатидан усту туртишнинг муқабил қўйгани ҳақида гапирганимиз керак, — деди жумладан Ислон Каримов.

— Ўнда қилиб айтганда, эски замондан қолган, оғиримизга, шуғримишга урналган асоратлардан воз кечиб, бир туғилгани аниқ аниқлаб олишимиз даркор. Янги, давлатимиз ва жамиятимиз қурилиши, янгиланиши йўлида олиб бораётган ислохотларимизнинг пировад мақсди — аввало инсон манфаати, инсонга ва халққа хизмат қилишдир.

(Давоми 2-бетда).

САЙЛОВ УЧАСТКАСИДА

5 декабрь соат 6⁰⁰. Ўзбек халқининг қарогон келажакига янада нур бахш этувчи тонг. Ҳар бир фуқаро буюқда ўзгача руҳ, яхши кайфият ва юзю келажакка ишонч зоҳир эди. Сабаби, бу кўн бутун халқнинг, миллатнинг, қўлаверса, ҳар бир шахсининг орзу умидлари, тилаклари эътироф этилажақ кўн эди, янги асрга татиғулик кўн эди. Қўнчилик сайловчилар қатори ўзим овоз берадиган 166-Қизғалдоқ сайлов округига қарашли 577-сайлов участкасига келганимда халқимнинг ушқоқлигига, ёшларнинг жўшқинлигига кексаларнинг умидворлигига шохид бўлдим. 12 кишилик участка сайлов комиссияси бир зум бўлсин тиним билмасди. Комиссия раиси Шоира опа Абубакирова ўзининг жонбахш ка-

ломлари билан барчага баробар руҳий мадад улашарди. Соат 7⁰⁰дан 12⁰⁰ гача сайловчилар оқими узилмади. Аиниқса, рўйхатга киритилган 102 нафар илк бор овоз бераётган ёш сайловчилар сайлов участкасига эрта тонгдан ошқанларини таъкидлаш мароқли.

Шу кўни рўйхатга олинган (илвоси билан) 3088 нафар сайловчиларнинг 97 фоизи ўзига берилган Конституцион ҳуқуқ-сайлаш ҳуқуқидан фойдаланди. Демократик тамойиллар асосида келётган сайловлар жараёнида участка сайлов комиссияси раиси, мактаб директори Шоира Абубакирова қўйдагиларни гапириб берди:

(Давоми 2-бетда).

Reportaj

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И
2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида

Ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг ижтимоий таъминот ва уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш юзасидан эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

1. 2000-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тасдиқлансин.
2. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари: бошқарувнинг барча даражаларида тасдиқланган Дастурни сўзсиз бажариш буйича, тошпириқларнинг масъул ижрочилари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари корхоналар ва ташкилотларнинг келишилган ҳолдаги фаолиятини назарда тутувчи мувофиқлаштирувчи иш дастурлари ишлаб чиқишнинг таъминлансин;
Дастурнинг бажарилишини ва ёлғиз кексаларга, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш даражасини, уни яхшилаш юзасидан тегишли қўшим-

лаш ажратиладиган ташкилотлар ва муассасалар рўйхати киритсин.
6. 2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш, шунингдек, Дастур тошпириқларининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Умумийқисдиёт комплексига юклансин.
Вазирлар Маҳкамасининг Умумийқисдиёт комплекси Дастурнинг бажарилишини мунтазам равишда таҳлил қилиб босин ҳамда унинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар курсин.
7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари Б.Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 1999 йил 7 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И
Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида

Мамакатимиз фуқароларининг виждон эркинлиги борасида Конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, муборак ҳаж амалларини адо этишда қулайлик, имтиёз ва зарур шароитларни яратишга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2000 йилги ҳаж зиёратини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.
Зиёратчилар рўйхати фуқароларни ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари орқали кенг жамоатчилик фикрини эътиборга олган ҳолда тузилсин.
2. 2000 йил ҳаж сафарини ташкил этишда Ўзбекистон мусулмонлари идорасига Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари буйича қўмита (Ф.Собиоров) ёрдам кўрсатсин.
3. "Ўзбекистон ҳаво йуллари" миллий авиокомпанияси (А. Рузметов) 2000 йил март-апрель ойларида зиёратчиларнинг Жидда шаҳрига бориб-келишлари учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг харажатларини камайтириш чораларини курсин.
4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Коми-

лов), Давлат божхона қўмитаси (У.Қомилов) Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг тақдимида кўра зиёратчиларнинг сафар хужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласинлар.
5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров) Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги томонидан қўйилган тегиб талаблар ва мамлакатнинг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда зиёратчиларни қуриқлан утказишни, ҳаж даврида уларга ёрдам кўрсатишни ташкил этсин.
6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) ва Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ноқонуний йуллар билан ҳаж зиёратига бориши оқибатида рўй бериши мумкин бўлган қўнғилсиз воқеаларнинг олдини олиш ҳамда зиёратчиларнинг умумий хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини белгиласинлар.
7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (З.Мирҳужаев) Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасдиқланган рўйхатга биноан, мамлакатимиздан ҳажга кетаётган ҳар бир фуқаро учун 1380 (бир минг уч юз саксон) АҚШ долларини имтиёзли – воситачилик ҳақи олмаган ҳолда алмаштириб беришни таъминласин.
Зиёратчиларнинг тегишли миқдордаги сумларини жойларда умумлаштирилган ҳолда йиғиб олиш ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг тегишли бўлимларига топшириш Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг масъул ходимлари зиммасига юклансин.
Бу маблағлар Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидаги махсус ҳисоб рақамига жамланиб, белгиланган миқлори кон-

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 1999 йил 7 декабрь

Жалқимиз ишончи, устун мисоли, Қонунлар Қомуси – бахтнинг тимсоли!

"Қадрлар тайёрлаш миллий дастури"да таълим соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантиришга алоҳида ургу берилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кейинги пайтлардаги қатор тадбирлари мазкур вазифани амалга оширишга қаратилгани беҳиз эмас.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 296-болалар боғчасида фаолият кўрсатётган "Ақел" болалар маркази республикамиздаги давлатга қарашли бўлмаган дастлабки болалар муассасаларидан бири ҳисобланади. Марказ фаолиятидаги биринчи йўналиш бошқа тилларда тили чиққан болаларга Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили – Ўзбек тилини ўргатишдан иборат бўлса, иккинчи йўналиш мактабдан бешдаги ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларга Истиқлол мафқурасини сингдириш борасида янги таълим дастури ишлаб чиқишни кўзда тутди. Куйидаги мақола ушбу дастурнинг асосий мазмунига бағишланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 13-модда).

III. Ўқувчиларда қадим ва улкан тарихимизга, бугунимиз учун жангҳоҳларда жон олиб жон берган улук

Юраклар сенга ташна, истиқлол! Барча тирик жонлар сен билан озо, Биллур қошоналар сен билан бунёд. Ватаннинг боғлари сен билан обод, Яйрағимиз то абад оғушингда шод.

Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

IV. Ёш бўғинда мустақил Ўзбекистоннинг Давлат байроғининг тарихи ва асосий белгилари ҳақида умумий тасаввур туғдириш билан бирга, уларда қутлуқ Ватан байроғидан фахрланиш туйғусини тар-

ва нури истиқболга чуқур ишонч уйғотиш: Эрк туғин кўтарган тан берди жаҳон, Етти иқлим ичра кетди доврўгинг. Қошингда жилвалар қилганда замон, Кўпга сабоқ бўлди йўлу йўригинг. Йўлингда шаймиз, бир жону бир тан, Сен чорласанг бас, жонажон Ватан! Бугун парвозингда лочин шиддати, Пойингда чўққилар, не-не марралар. Ўйил-қизларингнинг асл нияти – Сенга шон келтириш неча қарралар. Амринга шаймиз бир жону бир тан, Сен буюрсанг бас, жонажон Ватан!

Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланган ўз давлат рамзлари - байроғи, герби ва мадҳиясига эга (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 5-модда).

V. Ёш бўғинда мустақил Ўзбекистоннинг Давлат байроғининг тарихи ва асосий белгилари ҳақида умумий тасаввур туғдириш билан бирга, уларда қутлуқ Ватан байроғидан фахрланиш туйғусини тар-

Токи куч олиб порлоқ кўёшдан, Барака сочин ҳар бир бошогин! Ҳалол меҳнату ёруғ бардошдан Олтин гулласин ҳар бир чаноғин! VII. Усмир-ўспиринларга Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг яратилиш тарихи, муаллифлари ҳақида етарли маълумот бериш, уни ёдлатиш билан бирга, унга нисбатан ҳурмат-эҳтиром уйғотиш: Тонг билан бирга уйғотиб бизни, "Хур ўлкам!" дея, "Истиқлол!" дея Таърифлаб тенгсиз Ватанимизни Ҳар кун янграғай улўғ Мадҳия!

Уфқлар оша ҳайқир баралла, Мангу дўстлигу тинчликни қуйлаб! Сендан ўт олган ҳар куй, ҳар алла, Тарелсин элга саодат улаб! VIII. Ёш авлодга Ўзбекистон Республикасининг Президентини юртимизда тинчлик-барқарорликнинг посбони экамилгини яхшироқ тушунириб, мамлакат йўлбошчисига бўлган ишонч ва ҳурмат туйғусини чуқурлаштириш:

Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган республика Олий Мажлиси ва Президентини иш олиб бориши мумкин. Жамиятнинг бирон-бир қисми сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 10-модда).

Қадим бир ҳикмат тирикдир ҳамон: Олис сафарга отланса қарвон, Етиб келиш-чун манзилга омон Унга бош бўлган ишончи сарбон. Сурунлар ичра эрк йўлини танлаб, Олга талпинган қарвонимизни, Маррада кўриш учун бош талаб - Бирга қўлашдир сарбонимизни!

Ушбу шеърин сабоқлар умуман навқирон наслга мўлжалланган бўлиб, уларни кўздан кечиришда бир мулоҳаза туғилиши мумкин: улардаги айрим сўз ва иборалар ёш болаларга оғирлик қилмасмикин? Аввало, ўтмишдаги аждодларимизнинг бола ёшидаги тафаккур мўъжизаларидан тортиб то бугунги ойнаи жаҳон кўрсатувларида кичкинтойларнинг зукколигини намоён қиладиган қўлаб мисоллар энди болаларнинг заковатига ҳозиргача кўни қилганидан кўра кўпроқ ишончини тақозо этади. "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури"да мазкур омилга алоҳида ургу берилгани беҳиз эмас. Иккинчидан, ўқитиш-ўргатиш жараёнида шеърин дарслардаги айрим тимсол ва истиораларга қисқача изоҳ берилиши табиий. Айтилик, учинчи намунадаги "Шеърят мулкнинг танҳо кўёши" мисрасига изоҳ берилгудай бўлса, унда ўз бадийий даҳосининг нури билан асрлар давомида маънавиятимизнинг барча уфқларини ёритиб келган Алишер Навоий сиймоси кўзда тутилгани таъкидлаб ўтилади.

Хуллас, ушбу дастур "Ақел" болалар марказининг, энг аввало, миллий дастур ёғдусида рўзга чиққан янги ҳаётнинг ва талқинларидан бир шингил, ҳолос. Уларни барча қирралари билан амалиётга чуқур татбиқ этиш ва шаклланаётган баркамол авлоднинг таълим-тарбиясига тўла хизмат қилдириш марказимиз ижодий жамоаси зиммасига жиддий вазифалар юқлайди.

Тошкент шаҳар "Ақел" болалар марказининг илмий раҳбари, филология фанлари номзоди А. БАҒИРОВ,

ИСТИҚЛОЛ ЁҒДУЛАР Миллий дастур Асосий қонун хизматида



аждодларимизга, Истиқлол учун курашган буюк болаларимизга теран ҳурмат-эҳтиром туйғусини тарбиялаш: Кўп хислатлар мерос қондаги нурдан, Тумарис, Широқдан – ботирик, зотан, Давлат тузиш илими – Бобо Темирдан, Кўк билан сирлашмиш – Улуғ Мирзодан. Олқишлар бугун қўлда гул-чекча, Шонли ўтмишни буюк келажак! Кечмишининг сонсиз юлдузлар безар, Ҳар бири гўзаллик ё фан наққоши. Ва улар сафидан юксалар камтар Шеърят мулкнинг танҳо кўёши. Мангу олқишлар қўлда гул-чекча, Шонли ўтмишни буюк келажак!

IV. Болаларда Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгандан кейинги оламшумул улкан ютуқларига

Ўзбекистон - суверен демократик республика. Давлатнинг "Ўзбекистон Республикаси" ва "Ўзбекистон" деган номлари бир маънони англатади (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 1-модда).

1. Ёш болаларда билимлар орқали она-Ватанга меҳру муҳаббат туйғусини чуқурлаштириш баробарида, уларнинг тасаввурда Ўзбекистоннинг гўзаллигини таъсирчан кечинмаларда, эсда қоладиган жонли ташбеҳларда гавдалантириш: Камолнинг азалдан самога йўлдош, Жамолнинг бутун коинот мафтун. Сендан ҳечам меҳрин аямас кўёш, Юлдузлар ҳам ёнар сени деб ҳар тун. Сен тинчлик куйчиси – мангу достонсан, Барчамизга она – Ўзбекистонсан! Зар тоғларингдан ҳам кўксинг улғувор, Хур боғларингдан ҳам ўзинг пурвиқор, Кўш-кўш дараёларинг тилида ёр-ёр, Кўнглинг пахтагандан ҳам оппоқ, беғубор. Сен дўстлик куйчиси – мангу достонсан, Барчамизга она – Ўзбекистонсан!

Tadbir
ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ
1991 йил Ўзбекистонимизга ўз мустақиллигига эришганидан сўнг 1992 йил 8 декабрда ўзининг Конституциясини қабул қилди. Шу муносабат билан ҳар йили 8 декабрь умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келинаптир. Конституцияга атаб мактабларда, лицей-колlejларда ва олий ўқув даргоҳларида очилган таълим фаолиятида жуда кўп қизқичқилди. Кўни кеча мактабимизда Ўзбекистон Конституциясини қабул қилинган куннинг 7 йиллигига бағишлаб "Асосий Қонунимиз - фаолиятимиз мезони" мавзусида ўтказилган давра суҳбати ҳам ўзбек тилида олиб борилди. Суҳбатда, айниқса, 10-11-синф ўқувчилари фаол иштирок этилиб, бирдан то 128 гача бўлган ҳамма-ҳамма мол-даларини ўзбек тилида айтиб, баҳслашдилар. Шундай широйли давра суҳбатларини олиб боришда ўзбек тили ўқитувчиси Муборак Иззатиласева ҳамда илгор ўқитувчи Нурия Семмарлар фаоллик кўрсатди.

Муножат МўМИНОВА, ТошДУ журналистика факультети 1-курс талабаси

